2012 йил 12 октябрь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 207 (12.268)

Баҳоси эркин нархда

## ПРЕЗИДЕНТ ОЗАРБОЙЖОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 2012 йил 11 октябрь куни расмий ташриф билан Озарбойжонга жўнаб кетди.

Олий даражадаги музокаралар чоғида ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар бўйича фикр алмашиш режалаштирилмоқда.

Расмий ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган бошқа қатор ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

(ЎзА)

## ИСЛОМ КАРИМОВ БОКУГА КЕЛДИ

БОКУ, 11 октябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 11 октябрь куни расмий ташриф билан Бокуга келди.

Олий мартабали меҳмон шарафига Ҳайдар Алиев номидаги халқаро аэропортда Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг давлат байроқлари кўтарилган, фахрий қоровул саф тортган.

Озарбойжон пойтахтининг аэропортидан Ўзбекистон делегацияси учун ажратилган «Улдуз» давлат қароргоҳига қадар барча кўчалар икки давлатнинг миллий рамзлари билан безатилган.

Томонлар ушбу ташрифга Ислом Каримов ва Илҳом Алиевнинг 2010 йил сентябрь ойидаги Тошкент учрашувининг мантиқий давоми, мунтазам сиёсий мулоқот доирасида анъанавий дўстона давлатлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, муносабатларни ҳамкорликнинг барча соҳаларида янги босқичга кўтариш масалаларини муҳокама қилиш имконияти сифатида қарамоқда. Дўстлик ва стратегик шериклик руҳида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммоларнинг асосий жиҳатлари юзасидан фикрлар алмашуви режалаштирилган.

Музокаралар чоғида савдо-сотиқ, иқтисодиёт, сармоя, транспорт коммуникациялари соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишга, шунингдек, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилади.

Аввал хабар қилинганидек, олий даражадаги учрашув якунида давлат раҳбарларининг икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш борасидаги устувор йўналишлар белгилаб берилган Қўшма баёнотини қабул қилиш ҳамда ҳукуматлараро ва идоралараро қатор ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда.

(ЎзА)

***Европа футбол уюшмалари иттифоқи – УЕФА президенти Мишель Платини раҳбарлигидаги делегация юртимизга ташриф буюрди.***

## УЕФА ПРЕЗИДЕНТИ ТОШКЕНТДА

Ўзбекистон Республикаси Футбол федерацияси раиси М. Усмонов билан учрашув чоғида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда футболни ривожлантириш, замонавий стадионлар, ўқув-машғулот масканларини бунёд этиш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, профессионал футболчиларни тайёрлаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори футбол инфратузилмасини янада такомиллаштириш, янги стадионлар барпо этиш ва мавжудларини таъмирлаш, футбол бўйича таълим масканлари фаолиятини замон талабларига мос йўлга қўйиш, малакали мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлашда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Бугун ўзбек футболи қитъа ва жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга. Куни кеча футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоамиз 4 миллиарддан ортиқ аҳоли яшайдиган Осиё қитъасининг чемпиони деган юксак шарафга эришди. Ўтган йили Осиё чемпионатида кучли тўртликдан жой олган миллий терма жамоамиз айни пайтда 2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионатининг ҳал қилувчи саралаш босқичида иштирок этмоқда. Сўнгги икки жаҳон чемпионатида бош совринни қўлга киритган Ўзбекистон ногирон-ампутантлар терма жамоаси Россияда давом этаётган навбатдаги жаҳон чемпионатида ярим финалга чиқди.

УЕФА делегацияси аъзолари Ўзбекистонда футболни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, пойтахтимизда барпо этилган «Бунёдкор» стадиони ва футбол мажмуаси, тўлиқ қайта таъмирланган «Пахтакор» стадиони, Ўзбекистон Футбол федерацияси фаолияти билан яқиндан танишди.

– Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга Президент Ислом Каримов томонидан улкан эътибор қаратилаётгани ушбу соҳа тараққиётида муҳим омил бўлмоқда, – деди УЕФА президенти Мишель Платини. – Мамлакатингизда футбол инфратузилмасини такомиллаштириш, айниқса, болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантириш, малакали спортчиларни тарбиялаш ва улар учун қулай шароитлар яратиш, футбол клубларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим.

(Давоми 2-бетда)

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




## ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ НАМОЙИШИ

### «Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистон матбуоти» II кўргазмаси очилди

***Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ахборот технологиялари ассоциацияси томонидан ташкил этилди.***

***Кўргазмада марказий ва ҳудудий нашрларнинг раҳбарлари, матбаа корхоналари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари, жамоат ташкилотлари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.***

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А. Жўрабоев, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С. Ортиқова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш масаласи давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида эканини алоҳида таъкидлади. Матбуот соҳасида иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларнинг яратилгани оммавий ахборот воситаларининг юртимиз тараққиётида тобора мустаҳкам ўринга эга бўлиб бориши, барча соҳалардаги ислоҳотларнинг аҳамиятини, мазмун-моҳиятини, янги жамият қуриш йўлида эришган ютуқларимизни холис ва ҳаққоний тарзда халқимизга етказиш имконини бермоқда.

Мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация ва ислоҳ қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан миллий матбуот ва оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўнга яқин қонун ҳужжатлари фуқароларнинг сўз эркинлигига доир ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашда муҳим кафолат бўлиб хизмат қилмоқда. Соҳага оид қонун ҳужжатларининг давр руҳига ҳамоҳанг такомиллашиб бораётгани оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, соҳадаги демократик ислоҳотларни тобора чуқурлаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, 1991 йилда мамлакатимизда фаолият юритган оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 395 тани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 20 июнь ҳолатига кўра, бу кўрсаткич 1292 тага етди. Уларнинг олтмиш фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари экани эътиборга моликдир.

(Давоми 2-бетда)

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Бухорода ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида педагогик кадрларни тайёрлаш самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. Тадбир Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти ва Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти (GIZ) билан биргаликда ташкил этилди.**

● **Муборак туманидаги «Иссиқлик электр маркази» очиқ акциядорлик жамиятида янги инновацион лойиҳанинг амалга оширилиши билан бир йилда 60 миллион сўм маблағни тежаш имконияти юзага келди. Гап шундаки, корхона мутахассислари марказнинг асосий электр станциясидаги ток йиғувчи халқаларни такомиллаштириб, катта самарага эришдилар.**

● **Яккабоғ ва Касби туманларида «Ягона ойна» тамойили асосида фаолият юритувчи универсал телекоммуникация хизматлари кўрсатувчи савдо марказлари ишга туширилди.**

● **Олтинкўл туманида янги туғруқхона мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунёдкорлик ишларига 2,5 миллиард сўм сарфланди. Икки қаватли, 14 та даволаш-профилактика бўлимидан иборат ушбу шифо маскани энг илғор тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.**

● **Нукусдаги Олимпия заҳиралари коллежи спорт мажмуида ўсмирлар ўртасида халқаро турнир ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикаси бокс федерацияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан ташкил этилган мусобақада 1997-1998 йилларда туғилган юз нафардан зиёд ўсмирлар ўзаро куч синашди.**

### ЖАҲОНДА

● **Мисрдаги катталиги бўйича иккинчи ўринда турувчи Хефрен эҳроми уч йил давом этган реставрациядан сўнг сайёҳларнинг томоша қилиши учун қайтадан очилди.**

● **Саудия Арабистонидаги жаҳондаги йирик энергетик компаниялардан бири Aramco Қизил денгизда янги газ конини топишга муваффақ бўлди.**

● **Спорт автомобилларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган Италиянинг АТС компанияси ўз ишлаб чиқаришини қайтадан тиклаганини билдириб, автомобилларнинг иккита янги моделини намойиш этишга тайёр эканлигини эълон қилди. Таъкидлаш жоизки, АТС компаниясининг сўнгги спорткари 1965 йилда ишлаб чиқарилган эди.**

● **Германиядаги Роберт Кох номидаги институт олимлари томонидан мамлакатнинг 11,2 минг мактаб ўқувчилари орасида кузатилган оммавий заҳарланишга Хитойдан келтирилган музлатилган қулупнай сабабчи бўлган. Сифатсиз мева таркибидаги норовирус хасталикни юзага келтиргани маълум қилинди.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Сиёсий жиҳатдан етук раҳбар кадрларни тайёрлаш: амалиёт ва янги тажрибалар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида бастакорларнинг шўъба йиғилиши бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** пойтахтимиздаги Mercato савдо марказида «Меҳр билан қилинган» деб номланган мамлакатимизнинг истеъдодли ҳунармандлари қўл меҳнати асарлари кўргазмаси ташкил этилади.

# ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ НАМОЙИШИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Оммавий ахборот воситаларини модернизация қилишни ривожлантириш самарасида Ўзбекистонда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадио дастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг икки юзга яқин мамлакатига қарийб ўттиз йўналиш бўйича тўғридан-тўғри узатиладиган халқаро каналларга эга.

Юртимизда газета, журнал, ахборотнома-бюллетень, радио, телевидение, ахборот агентликлари, веб-сайтлар каби оммавий ахборот воситалари рўйхатга олинган. Соҳа ривожи йўлида кўрсатилаётган ғамхўрлик натижасида кейинги ўн йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони икки баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса етти баробар ошди.

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарори медиа тузилмалар, нашриёт ва полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида оммавий ахборот воситаларини давр руҳига ҳамоҳанг тарзда ислоҳ этиш, журналистларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун барча зарур ҳуқуқий-ташкилий, моддий ва маънавий имкониятларни яратишга оид масалалар юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилган. Бу соҳа ходимларидан масъулиятни, ижтимоий-маънавий бурчни астойдил ҳис этишни, Ватанимиз, халқимиз манфаатларининг том маънодаги ҳимоячилари бўлишни, янгиланиш жараёнларининг мазмун-моҳиятини халқимизга, кенг жамоатчиликка холисона, тезкор ва ишончли тарзда етказишни талаб этади.


Отабек Мирсоатов (ЎзА) олган суратлар

«Ўзбекистон матбуоти» II кўргазмаси Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 14 январда қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларга оид фармойишига мувофиқ ахборот соҳасини эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар мазмун-моҳияти билан кенгроқ таништириш ҳамда медиамаконда миллий оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш мақсадида ташкил этилди. Мазкур анжуманларнинг муҳим вазифаларидан бири Ўзбекистонда фаолият юритаётган барча медиа ташкилотлари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш орқали миллий ахборот маконини жадал ривожлантириш, фуқаролик жамияти ривожига кўмаклашишдан иборат.

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларини замон талаблари асосида ривожлантириш, соҳа вакилларининг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – деди «Қашқадарё» газетасининг бўлим муҳаррири Ботир Темиров. – Ижодий фаолиятимизда халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, юртимиз ва хориждаги воқеа-ҳодисалардан тезкор хабардор этишга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Кўргазмада мамлакатимизда фаолият юритаётган босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари, нашриётлар ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда.

Кўргазма доирасида ўтган форумда матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, ахборот соҳасини янада ислоҳ қилиш, оммавий ахборот воситаларининг кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти, ОАВ фаолиятининг ҳуқуқий, иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда мустақил электрон оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш каби мавзуларда маърузалар тингланди. Миллий оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада тараққий эттиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Мазкур тадбирлар доирасида «Йилнинг энг яхши китоби» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

**Нодира МАНЗУРОВА**

# УЕФА ПРЕЗИДЕНТИ ТОШКЕНТДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Бугун ўзбек ўғлони – ФИФА рефериси Равшан Эрматовни бутун дунёда яхши танишади. Унинг жаҳон футболидаги мавқеи тобора юксалиб бораётгани ҳам ўзбек футболининг ютуқларидандир. Ўзбекистон миллий терма жамоасининг ўтган йилги Осиё кубогида кўрсатган ўйини менга жуда манзур бўлган эди. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг қитъа миқёсидаги чемпионатларда муваффақиятли тўп сураётгани болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор самараларидандир.

УЕФА президенти М.Платини «Бунёдкор» стадиони билан танишиб, ушбу муҳташам спорт иншооти жаҳон стандартларига тўла жавоб бериши ва Европа мамлакатларидаги машҳур стадионлардан асло қолишмаслигини алоҳида таъкидлади.

Бу стадионда спортчилар ва мухлислар учун барча шароит ва қулайликлар яратилган. 34 минг кишига мўлжалланган ўриндиқлар, икки қаватли трибуна, ногиронлар учун ҳам алоҳида сектор ажратилгани замонавий талабларга жавоб беради. Мажмуа ўзида спортчилар, ҳакамлар, мураббийлар, футбол маъмурлари учун мўлжалланган хоналар, матбуот анжуманлари зали, футбол клуби музейи, ресторан ва фитнес марказларини қамраб олгани диққатга сазовор.

Энг замонавий талаблар асосида қурилган ва халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳиятини намоён этган ушбу стадион меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбирлари**

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

# ОИЛА ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

***Республикамизда мустақиллик йилларида оила институтига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бу эса оила муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни тақозо этади.***

Куни кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан «Оила қонунчилигини такомиллаштириш борасидаги масалалар ва уларнинг ечимлари» мавзуида ташкил этилган матбуот анжуманида ҳам бу борада сўз юритилди.

Ушбу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад – оилавий муносабатларнинг жамиятда тутган ўрни, оила қонунчилигидаги мавжуд масалаларни оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ҳамкорликда муҳокама қилиш, бу борадаги тарғибот тадбирларини кучайтиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-боби оилага бағишланиб, унинг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги қайд этилган. Судлар, васийлик ва ҳомийлик, шунингдек, ФҲДЁ органлари фаолиятида синовдан ўтган ва ўзлаштирилган кўп йиллик тажриба янги Оила кодексида ўз ифодасини топди. Мазкур кодексда биринчи марта никоҳ шартномаси институти, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, оилавий муносабатларда маҳаллий урф-одат ва анъаналарнинг қўлланилиши, қон-қардошлик, болаларнинг насл-насабини белгилаш, алимент тўлаш тўғрисидаги мажбуриятлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби қатор муҳим қоидалар мужассамлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари Қўчқор Тоғаевнинг таъкидлашича, оилавий муносабатлар билан боғлиқ бўлган туғилиш, никоҳ ва никоҳдан ажралиш каби фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш ФҲДЁ органлари томонидан амалга оширилишини инобатга олиб, кейинги йилларда ушбу соҳа фаолиятини такомиллаштириш мақсадида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Матбуот анжуманида адлия органлари томонидан оила қонунчилигини такомиллаштириш йўналишида амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар хусусида маълумотлар берилди. Бундан ташқари «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури доирасида, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини тайёрлаш вазифаси белгилангани, натижада «Оила институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва Оила кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилгани таъкидланди. Шунингдек, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонун лойиҳаси тайёрланиб, унда Оила кодекси билан тартибга солинмаган долзарб масалалар қамраб олинган.

Матбуот анжуманида оила қонунчилигидаги янгиликлар ҳақида атрофлича маълумот берилди ҳамда ташриф буюрганлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Зиёда РАСУЛОВА**

***«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида «Ўзбек фильмларида оила мавзуси: талқин ва таҳлил» мавзуида онлайн мулоқот бўлиб ўтди.***

# ҚАДРИЯТЛАР АКС ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда таниқли режиссёрлар, санъатшунослар, журналистлар ва ёшлар иштирок этди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммаджонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Р.Ярашева ва бошқалар навқирон авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб вояга етказишда кино санъати энг таъсирчан воситалардан бири эканини таъкидлади.

Мамлакатимизда миллий кино санъати тобора равнақ топмоқда. Бунёдкор халқимизнинг ҳаёти, азалий анъаналаримиз, умумбашарий қадриятларимиз акс этган кўплаб фильмлар яратилмоқда. Улар нуфузли халқаро танловларда юқори ўринларни эгалламоқда.

Кинофильмларимизда халқимизнинг оила билан боғлиқ қадриятлари, фарзанд тарбияси, оила муқаддаслигини асраш каби мавзуларни ёритиш ижодкорлар олдидаги долзарб вазифалардан ҳисобланади. Мазкур мулоқотда ҳам асосий эътибор замонавий кинофильмларимизнинг бу борада ютуқлари ва муаммоларини таҳлил этиш, ёшларни глобаллашув жараёнидаги салбий таъсирлардан асрашда кино санъати имкониятларидан оқилона фойдаланиш масалаларига қаратилди.

Қизиқарли савол-жавоб руҳида ўтган он-лайн мулоқотда халқимиз маънавиятини юксалтириш ва миллий қадриятларимизни дунёга танитишда кинофильмларимизнинг аҳамияти хусусида фикрлашилди. Тадбир иштирокчиларининг саволларига жавоб қайтарилди.

**(ЎзА)**

# ЛАБОРАТОРИЯ КОМПЛЕКСЛАРИ ХАРИД ҚИЛИНДИ

***Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва инновацион технологиялар бўлими учун жорий йил самарали бўлмоқда. Шу соҳа йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари моддий-техника негизини ривожлантиришда қатор ютуқлар қўлга киритилди.***

Коллежларда компьютер синфлари ташкил этилди ҳамда керакли ташкилий техника воситалари билан таъминланди. 12 та фандан 36 та лаборатория комплексларини харид қилиш бўйича янги режалар белгиланди. Жумладан, ўқув тўплами асосида «АВР микроконтоллери учун дастурлаш, «Электроника ва электротехника йўналишларида виртуал лаборатория тўпламидан дарс жараёнида фойдаланиш» мавзусида ўқув семинарлари уюштирилди. Талаба ва ўқувчилар учун назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида ҳомийлик тариқасида 20 га яқин ўқув амалиёт хоналари очилди.

Тошкент Ахборот технологиялари университетида бешга яқин инновацион лойиҳалар амалга оширилди.

Саломатлик

# ОНКОЛОГЛАР СИМПОЗИУМИ

***Мамлакатимизда тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, шифохоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳоли саломатлигини муҳофазалаш ва яхшилаш борасида бир қатор чора-тадбирлар белгиланган.***

Шаҳримизда ўпка, кўкрак бези саратони ва бачадон бўйни саратони профилактикаси, диагностикаси ва даволаш технологияларига бағишланган симпозиумда ҳам юртимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Республика онкология илмий маркази, «Ҳаёт учун!» кўкрак бези саратони миллий ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олимлар, тиббиёт ходимлари, хорижлик мутахассис шифокорлар иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Худоёров, Республика онкология илмий маркази директори С. Наврўзов ва бошқалар сўзга чиқиб, аҳолига онкологик ёрдам кўрсатиш сифати тобора юксалиб бораётгани, Республика онкология илмий маркази ва унинг вилоятлардаги филиалларида диагностика ва даволаш ишлари жаҳон стандартлари даражасида ташкил этилганини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, 2012-2015 йилларга мўлжалланган махсус дастур асосида мамлакатимизда онкология диспансерларини реконструкция қилиш, радиология бўлимларини очиш ва замонавий жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда онкология соҳасига компьютер томографи, дозиметрли ускуналар, масофадан қўлланиладиган гамма-терапия воситалари, замонавий рентген, лапароскопия аппаратларининг татбиқ этилаётгани касалликларни эрта аниқлаш ва самарали, тез даволаш имконини бермоқда.

Бу ишларга «Ҳаёт учун!» кўкрак бези саратони миллий ассоциацияси ҳам ҳисса қўшмоқда. Ассоциация ташаббуси билан жойларда аёллар ўртасида онкологик касалликларнинг олдини олиш, беморларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида кўплаб хайрия тадбирлари ўтказилмоқда. Бунинг натижасида касалликларга ўз вақтида ташхис қўйиш ва тиббий ёрдам кўрсатишга эришилмоқда.

Икки кун давом этган симпозиум доирасида Республика онкология илмий марказида ўзбек ва француз олимлари иштирокида малака ошириш машғулотлари ўтказилди. Унда онкологик хасталикларни барвақт аниқлаш ва даволашда замонавий усулларни қўллаш, илм-фан янгиликларидан самарали фойдаланишга доир маърузалар тингланди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

# ЛОЙИҲАЛАРДА ШАҲРИМИЗ ЧИРОЙИ

***Бугунги кунда пойтахтимизнинг ташқи кўриниши янада гўзал ва ажиб манзара касб этмоқда. Қадимий ва навқирон шаҳримизнинг чирой очишида меъморчилик санъатининг таъсири катта, албатта. «Тошгипрогор» очиқ акциядорлик жамияти томонидан яратилаётган хилма-хил лойиҳалар ўз жозибасига эга.***

— Янги бинолар, равон кўчалар, боғ ва хиёбонларга ана шундай меъморий ечимлар асосида замонавий лойиҳалар асос қилиб олинмоқда, — дейди муҳандис лойиҳачи Михаил Пак. — Бир гуруҳ меъморларимизнинг ишлари Минск шаҳрида ўтказилган халқаро танловда муносиб тақдирланди. Шаҳримизда қад кўтарган тиббий-ижтимоий аҳамиятга эга корпус лойиҳаси ҳам энг яхши изланиш намунаси деб топилди. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси буюртмаси бўйича яратилган Медиа марказ лойиҳаси ҳам фойдаланишга топширилди. Марказда телевизион кўрсатувлар дастурлари билан боғлиқ съёмкалар олиниб, эфирга узатилаётир.

# «ЯГОНА ОЙНА» ТАМОЙИЛИ АСОСИДА

***«Ягона ойна» асосида офисларни лойиҳалаш, техник жиҳозлаш, уларда иш юритувчи ходимларни танлаш каби масалалар «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг доимий диққат марказида бўлиб турибди. Бутун мамлакат бўйлаб янги очилган офислар бир хил кўриниш ва имкониятга эга бўлиб, хизмат кўрсатиш сифати ҳам аъло даражада.***

— Таъкидлаш лозимки, «Ўзбектелеком» АК томонидан 2012 йилда мамлакатимиз бўйича жами 80 та савдо хизматлари офисларини фойдаланишга топшириш режалаштирилган, — дейди компаниянинг савдо департаменти директори Шуҳрат Тўхтабоев. — Ўтган йили эса 50 та шундай янги офис очилган эди. «Ягона ойна» воситасида ҳар бир абонент бир неча хизматлардан бир жойнинг ўзида фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Жумладан, интернет, янги стандартдаги мобиль алоқа ва мобиль интернет, видеотелефония ва бир қатор хизматлардан фойдаланишни шу ернинг ўзидаёқ йўлга қўйиш мумкин. Авваллари бу хизматларга уланиш учун компаниянинг турли офисларига мурожаат қилишга тўғри келарди.

**Акбар АЛИЕВ**

